

**«ПЕДАГОГ ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК  
КОМПИТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАЗМУНИ»**

**«СОДЕРЖАНИЕ ФОРМИРОВАНИЯ НАУЧНОЙ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ  
КОМПЕТЕНТНОСТИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КОМПЕТЕНТОВ»  
«CONTENT OF FORMATION OF SCIENTIFIC PEDAGOGICAL  
COMPETENCE OF TEACHERS»**

**Хасанова Гулноза Илхом кизи**

ЖДПИ. Мактабгача таълим методикаси

кафедраси ўқитувчиси

**Хамзаева Гавхар**

ЖДПИ. Мактабгача таълим йўналиши

3 -босқич талабаси

**Annotatsiya:** Ушбу мақолада тарбиячиларнинг касбий компетентликка эга бўлишида - ўзини таҳлил қила олиши, педагогика ва психологияга доир билимларга эга бўлиш, ўз устида ишлаш, таълим жараёнини режалаштириш, баҳолаш ва қайта алоқани ўрната олиш ва ўқувчиларда мотивацияни шакллантиришга оид маълумотлар берилган.

**Kalit so'zlar:** Таълим тизими, модернизациялаш, малакали мутахассислар, педагог ва илмий кадрлар, давлат ва жамоат тузилмалари, иқтисодиёт тармоқлари, ўқитувчилик касби, педагогик таъсир этиш.

**Аннотация:** В статье представлена информация о том, как педагог может получить профессиональную компетенцию - самоанализ, знание педагогики и психологии, самообучение, планирование, оценку и обратную связь учебного процесса, а также формирование мотивации у студентов.

**Ключевые слова:** система образования, модернизация, квалифицированные специалисты, учителя и исследователи, государственные и общественные структуры, секторы экономики, педагогическая профессия, педагогическое воздействие.

**Abstract:** This article provides information on how educators can gain professional competence - self-analysis, knowledge of pedagogy and psychology,

self-study, planning, evaluation and feedback of the educational process, and the formation of motivation in students.

**Keywords:** Education system, modernization, qualified specialists, teachers and researchers, state and public structures, sectors of the economy, teaching profession, pedagogical impact.

Таълим тизимини модернизациялашда таълимнинг барча бўғинларида тобора фаол қўлланилаётган илғор педагогик технологияларнинг турли йўналиши болаларнинг маънавий кучи, қобилиятларини очиш учун мақбул шароит яратиб бермоқда. Бу муҳим мақсадлар юқори малакали мутахассислар, педагог ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва унинг энг яхши ютуқларини давлат ва жамоат тузилмалари, иқтисодиёт тармоқларида татбиқ этиш асосида жиддий қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш заруратини тақозо этмоқда. Хар қандай жамиятда баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етказиш ва уни маълум бир касбга йўналтириш оғир ва машаққатли меҳнат эвазига амалга оширилади. Бу машаққатли меҳнат узлуксиз таълим ва тарбиявий фаолиятнинг маҳсулидир. Барча касблар орасида ўқитувчилик касби ўзгача ва муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, ўқитувчи ёш авлод қалби камолотининг меъмори, ёшларга таълим-тарбия берувчи инсон ҳисобланади.

Эркин шахсни шакллантириш муаммоси бугунги кунда таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий ишларни замонавий педагогик технологияга ўтказишни тақозо этаётган бир вақтда педагоглардан ҳам ўз компетенциясига эга бўлишни тақозо этмоқда. В.П.Беспальконинг таърифига кўра “педагогик тизим - маълум шахс сифатларини шакллантиришга тартибли, аниқ мақсадни кўзлаб ва олдиндан ўйлаб педагогик таъсир этишни вужудга келтириш учун зарур бўлган ўзаро боғлиқ воситалар, усуллар ва жараёнлар йиғиндиси”. Хар бир жамиятда шахсни шакллантириш мақсади белгилаб олинади ва унга мос равишда педагогик тизим мавжуд бўлиши керак. Агар мақсад ўзгарса мавжуд тизим ҳам ўзгариши муқаррардир. Таълим-тарбиянинг умумий мақсад ва вазифалари - педагогларнинг шахсий компетентлигини аниқ

белгилаб беради ёки олий таълим учун педагогик тизимнинг мавжудлик шартларини кафолатлайди. “Компетентлик” тушунчаси - таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган янги тушунча ҳисобланади. Шу сабабли ҳам компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эғалик” қилишни аниқлатади. Компетентлик тушунчаси эса -муайян лавозимга мос ўз касбининг моҳир эгаси бўлган шахсга хос бўлган сифатлар йиғиндиси ҳисобланади. Касбий-педагогик компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади. Мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячиларнинг касбий компетентликка эга бўлишида - ўзини таҳлил қила олиши, педагогика ва психологияга доир билимларга эга бўлиш, ўз устида ишлаш, таълим жараёнини режалаштириш, баҳолаш ва қайта алоқани ўрната олиш ва ўқувчиларда мотивацияни шакллантириш, ахборот коммуникацион технологияни билиши ва янгилик киритиши, хорижий тиллардан бирини билиши ҳам аҳамиятли саналади. Педагог томонидан касбий фаолиятда ташкил этаётган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганиши, ўзини - ўзи таҳлил қилиш орқали педагог ўзини ўзи объектив баҳолаш имкониятига эга бўлади. Педагогларнинг касбий компетентлик сифатларига эга бўлишида уларнинг ўз-ўзини баҳолаш малакаларига эғалиги ҳам муҳимдир. Ўзини ўзи баҳолаш – шахснинг ўз-ўзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо бериши. Ўзини ўзи баҳолаш субъект учун шахсий имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш, ўзига объектив баҳо бериш, ўзидан қониқишни таъминлайди. Ўз-ўзини баҳолаш шахснинг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиши зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин шахсни бунга бевосита

тайёрлаш мумкин. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби педагогнинг ҳам ўзини ўзи самарали баҳолай олишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги – уларнинг зарурий касбий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш асосида юзага келувчи шахс ижтимоий компетентлигининг ўзига хос кўриниши билан изоҳланади. Касбий тайёргарлик ўз-ўзидан юзага келмайди. У аниқ мақсадлар асосида режалаштирилган муайян босқичларни ўзида камраб олади. Бўлажак педагог-ходимларда касбий тайёргарликнинг шаклланиши даълаб касбга хос тасаввур, тушунчаларни таркиб топганлиги билан белгиланса, кейинчалик мутахассисликка оид билим, малака ва кўникмаларнинг ўзлаштирилиши, педагог-ходимларнинг касбий сифатларнинг қарор топиши ҳамда касбий мослашиш даражаси билан изоҳланади. Касбий тайёргарлик бу – педагог – ходимларнинг махсус назарий билим, амалий кўникма ва малакалар, шунингдек, манавий-ахлоқий сифатларни ўзлаштириш асосида шахснинг касбий фаолиятни олиб боришга нисбатан физиологик, психологик ва жисмоний тайёргарлик даражаси ҳисобланади. Бўлажак педагог-ходимларда касбий тайёргарликни шакллантириш – давлат таълим қандарти талаблари асосида шахсда махсус назарий билим, амалий кўникма ва малакалар, шунингдек, маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, бўлажак мутахассисни касбий фаолиятни муваффақиятли олиб боришга нисбатан физиологик, психологик ва жисмоний тайёргарлаш жараёни ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ёш авлоднинг тарбияси, уни ташкил этиш мазмуни, шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгиловчи муҳим омил эканлиги таъкидланади. Бу эса педагогнинг касбий маданиятга, махоратга ва компетенсияга эга бўлиши талаб этилади. Бугунги кунда давлатимиз томонидан таълимга қаратилаётган эътибор барча педагог ходимларнинг ўз устида ишлаши, тинмай изланиш олиб бориши таълим соҳасига ёш мутахассисларнинг келиб қўшилишига имконият яратмоқда. Педагогларнинг касбий компетенцияси – уларнинг соҳага оид бўлган билим, кўникма, малака, ҳамда қарашларида, шахснинг қадрияти ва сифатларида ёки педагогик

тактикаси ҳамда таъсир кўрсатиш қобилиятида намоён бўлади. Бундай улкан масъулиятни юқори савияда бажариш учун педагогдан юксак педагогик техник тайёргарликка эга бўлиш талаб этилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. М.Усмонова . Ўқувчи шахсига йўналтирилган педагогик технологиялар Таълим технологиялари. 2016 йил. 4-сон.
2. Т.Л.Р.Миржалолова Танлов фани модули Т.: Истеъдод, 2018. – 223 б
3. М.Усмонова .Педагогик жараён лойихаси – машғулотлар самарадорлигини таъминлаш воситаси сифатида Бошланғич таълим ва жисмоний маданият йўналишида сифат ва самарадорликни ошириш: муаммо ва ечимлар Халқаро илмий конференция. Тошкент. 25 май, 2017 йил
4. Г.И.Хасанова “Таълим жараёнида дастурлаштирилган ўқитиш технологиясидан фойдаланишнинг афзалликлари” Жиззах: 2020. 420 бет. 223-225б
5. Хасанова, Г. (2021). Олий таълим муассасалари педагогларининг Креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг мазмуни. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(1), 778-782
6. Xasanova Gulnoza Ilhomovna .Content of developing the creative abilities of teachers of higher educational institutions.
7. Manzura, N. (2021). Sustainable Activity in the Teaching Profession and Its Foundations. *PsychologyandEducationJournal*, 58(2), 1339-1345.
8. Norquziyeva, M. (2020). Бўлажак ўқитувчиларнинг касбга муносабатини ўзгартириш-касбий барқарорликни таъминлаш гарови. Архив Научных Публикаций JSPI.
9. Abdurahmonovna, N. M. (2021). Pedagogical and Psychological Aspects of Professional Sustainability of Future Teachers.

